

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

145 **Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2093-5

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги, 2014 йил 11 декабрдаги ЎРҚ–381-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 23 январдаги 3/5-сонли қарори (рўйхат рақами 2093, 2010 йил 13 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 14-15-сон, 116-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 14 март,
6/6-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил
14 мартдаги 6/6-сон қарорига
ИЛОВА

Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. 13-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лицензия олиш учун микрокредит ташкилоти рўйхатдан ўтказилгани-

дан сўнг бир ойдан кечиктирмасдан Марказий банкка ёки унинг тегишли ҳудудий бошқармасига қўйида келтирилган зарур бўлган ҳужжатларни бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этади:»;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар лицензия даъвогарининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.».

2. 21-банднинг саккизинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«касса хоналарининг техник жиҳатдан мустаҳкамланганлиги ва қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализация воситалари билан жиҳозланганлиги бўйича Марказий банк тегишли ҳудудий бошқармасининг ҳулосаси;».

3. 38-банднинг олтинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«филиал касса хоналарининг техник жиҳатдан мустаҳкамланганлиги ва қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализация воситалари билан жиҳозланганлиги бўйича Марказий банк тегишли ҳудудий бошқармасининг ҳулосаси.».